201__
A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 48 (48), 2020 йил 31 март, сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб, Ватан обрўэътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдорида** бир йўла пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини** таъминласинлар.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 март

ФАРМОН ЛОЙИҲАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони лойиҳаси юзасидан ахборот берилди.

Лойиҳа давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ – 5969-сон "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ҳужжат пандемиянинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган навбатдаги имтиёзлар, преференциялар ва бошқа муҳим чора-тадбирларни назарда тутади.

Президентимиз фармон лойиҳасига ёлғиз қариялар, ногиронлиги бўлган шахслар ва кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, озиқ-овқат, дори-дармон маҳсулотларини кўпайтириш ва нархлари ошишига йўл қўймаслик, тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағлари камайиб кетишининг олдини олиш, уларга қўшимча солиқ имтиёзлари тақдим этиш каби бир қатор аниқ чораларни киритиш зарурлиги ҳақида масъулларга топшириқ берди.

Фармон лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

ЎзА

Кун нафаси

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА

Бугун коронавирус пандемияси нафақат соғлиқни сақлаш, балки бошқа соҳаларга ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши жиддий чоралар кўрилган. Барча эҳтиёт чоралари инобатга олинган ҳолда бошқа соҳаларда ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.



КОРХОНАЛАР БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

"Қўқон" эркин иқтисодий зонасида бугунги кунда 40 та корхона барқарор фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаётган ишчи-ходимлар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, улар тиббий ниқоблар, антисептик воситалар билан тўлиқ таъминланган. Барча корхоналар дезинфекция қилинган.

— Жорий йилнинг январь-февраль ойларида 195,4 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 3,2 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспортга йўналтирилди, — дейди "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси" дирекцияси раҳбари Фаррух Раҳмонов. — Яқинда 9,6 миллион долларлик 5 та истиқболли лойиҳани ишга туширдик. Йил давомида эркин иқтисодий зонада 136,2 миллион доллар қийматидаги 45 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилиб, 4 минг 600 та янги иш ўрни яратилишига эришилади.

ДЕҲҚОН ДАЛАСИДАН ҚОЛМАЙДИ

— Деҳқончилик шундай соҳаки, урушми, табиий офатми ёки бугунгидек бало-қазоми — ҳар қандай шароитда ҳам уни бир кунгагина бўлса-да, тўхтатиб қўйиб бўлмайди. Чунки деҳқон элюртнинг ризқ-рўзини етиштиради, — дейди Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгаши депутати Илҳомжон Зиёвиддинов. — Бутун дунёни коронавирус касаллиги таҳликага солиб турган бугунги шароитда ҳам биз ўз бурчимизни, вазифамизни унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Бу офатнинг пайини қирқиш бўйича давлатимиз раҳбари, ҳукумат томонидан барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Халқимиздан фақат бирдамлик, ҳамжиҳатлик, кўрилаётган эҳтиёт чораларига нисбатан онгли равишда тўғри муносабат ва интизом талаб этилмоқда, холос.

Давоми 2-бетда

Дилдаги гап

ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Х. АБУЛФАЙЗОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши олиб борилаётган изчил ва самарали кураш, қатъий карантин тартиби соғлиқни сақлаш бўйича дунёнинг етакчи эксперт ва мутахассислари томонидан бир овоздан эътироф этилмоқда.

Жумладан, қисқа муддатда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида COVID-19 тарқалишига қарши курашиш мақсадида ўн минг кишилик янги карантин ҳудудининг барпо этилгани Ўзбекистонда аҳоли саломатлигига эътиборнинг яққол намунаси бўлди.

Эллик беш гектар майдонни эгаллаган саломатлик масканида чет элдан келтирилган юртдошларимизнинг карантин муддатини худди уйидагидек ҳолатда ўтказиши учун зарур шароитлар яратилган. Ҳудуд фойдаланишга топширилиши билан чартер рейслар орқали хориждан келтирилган 650 нафар ватандошимиз айни пайтда карантинга жойлаштирилган. Қурилиш ишларида бино сифатида контейнерлардан фойдаланилган бўлса-да, истиқомат қилиш учун барча қулайликлар мавжуд.

Коронавирус нафақат Ўзбекистон, балки илм-фан тараққий этган ривожланган мамлакатлар учун ҳам номаълум касаллик сифатида хатарлилигича қолмоқда. Боз устига вирусга қарши вакцина яратилмагани мавжуд вазиятни янада таранглаштиради. Мана шундай қалтис шароитда коронавирусга чалинган етти нафар юртдошимизнинг соғайгани ҳақидаги хабар мамлакатимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган эътибор бесамар кетмаётганини исботлади. Хасталикдан фориғ бўлган юртдошларимиз навбатдаги қисқа муддатли қайта тиклаш муолажаларини олиш учун Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига жойлаштирилди.

— Ҳаётга янгидан қайтгандек бўлдим, — дейди соғайган юртдошларимиздан бири. — Вирусология илмий-текшириш институтида даволанган 14 кунимнинг ҳар бири, ёзсам, бир китоб бўлади. Ичимдан нималар ўтгани бир мен ва Яратганга аён. Жуда қийин кунлар ўтди. Шундай вазиятда Президентимизнинг, халқимизнинг меҳрини ҳис қилиб турдим. Тиббиёт ходимларининг меҳнатини, хизматини, фидойилигини кўриб, уларнинг қадрига етмаганимдан уялдим. Оғир, изтиробли кунларни енгиб ўтишимизда руҳан далда бўлиб, қўллаб-қувватлаган Президентимиздан, туну кун бизга саломатлик тилаб дуода бўлган юртдошларимиздан, меҳру хизматини аямаган шифокорлардан умрбод миннатдорман!

Етти нафар юртдошимизнинг соғайишига ҳисса қўшган Вирусология илмий-текшириш институти клиникасининг бир гуруҳ тиббиёт ходимлари эҳтиром билан кузатилди. Энди улар ўрнида навбатдаги фидойи тиббиёт ходимлари фаолият бошлайди.

Долзарб мавзу

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Дунёнинг турли бурчагида рўй бераётган коронавирус пандемиясига доир маълумотлар худди жанг майдонларидан келаётган хабарларга ўхшаб кетади. Унинг оқибатида юзага келган глобал инқироз жаҳон иқтисодиётига катта зиён етказмоқда. Халқаро валюта жамғармаси баёнотига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиётини 2008-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз давридагига қараганда чуқурроқ пасайиш кутмоқда.

ИМТИЁЗ, РАҒБАТ ВА МОЛИЯВИЙ ЧОРАЛАР

иқтисодий инқирозни юмшатади, тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Президентимизнинг жорий йил 19 мартдаги фармонига мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил қилиниб, унга 10 триллион сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши белгиланди.

Жамғарма маблағларини шакллантиришда ташқи манбаларга ҳам урғу берилмоқда.

— Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан бир миллиард АҚШ доллари миқдоригача ташқи қарз маблағлари жалб этилади, — деди ўша кезда берган интервьюсида молия вазири Тимур Ишметов. — Бу борада ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

Давоми 2-бетда

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили



"...Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз... Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак".

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ – БУГУН ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ

Аббосхон ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё институти директори ўринбосари, кимё фанлари доктори, академик

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган бу сўзлар илм-фан тараққиётига қаратилган юксак эътибордан далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 31 январь куни олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашувида соҳадаги долзарб масалалар ечими, илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги илмий муассаса ва йўналишларни ташкил этиш хусусида сўз юритилди. Бу олимлар зиммасига улкан масъулият ва қатор вазифалар юклади.

Давоми 4-бетда

Давлат бошқаруви

МУТЛАҚО ЯНГИ ВА САМАРАЛИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Акбар ТОШҚУЛОВ,
Адлия вазири ўринбосари

Яқинда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда жамиятни янгилаш ва модернизациялаш бўйича эришилаётган ютуқларимизнинг муҳим натижасини намоён этувчи яна бир халқаро рейтинг хулосаси эълон қилинди. "World Justice Project" халқаро ноҳукумат ташкилотининг "Ҳуқуқ устуворлиги" индексида мамлакатимиз МДҲ давлатлари орасида энг яхши ижобий ўзгаришни қайд этди.

Мазкур индекснинг қамрови йилдан йилга кенгайиб бораётгани, хусусан, 2020 йилда 128 мамлакат қамраб олингани унинг нуфузидан далолат беради. Унда иштирокчи давлатларга саккизта индикатор бўйича баҳо берилган. Бу жараёнда мамлакатимизга ҳукумат ваколатларини чеклаш бўйича 0,33, жамиятнинг коррупциядан холилик даражаси бўйича 0,40, ҳукуматнинг очиқлиги бўйича 0,33 балл берилган.

Бу юртимизда давлат бошқарувини такомиллаштириш, жамиятимизда очиқлик, ошкораликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасидаги муҳим ислоҳотларнинг муносиб эътирофидир.

Мамлакатимизда Маъмурий ислоҳотлар концепцияси қабул қилиниши давлат бошқаруви тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлди.

Давоми 3-бетда

Карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисобрақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 31 март, 48-сон

Кун нафаси

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУШГАНДА



Бошланиши 1-бетда

Биз, деҳқонлар эса асло тушкунликка, ваҳимага берилмаган ва албатта, тавсия қилинаётган эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда ишимизни давом эттиришимиз керак. Зеро, ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ. Эртанги кунимиз, бозорларда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари сероб ва нархи барқарор бўлиши бизнинг бугунги меҳнатимизга ҳам боғлиқ.

Биз бугун ҳам даладамиз. 48,6 гектар ернинг пуштасини олиб, яхоб суви беришни якунлаб, экишга тайёр қилиб қўйдик. Бугун-эрта етилиши билан чигит экишни бошлаймиз.

Жамоамизнинг 15 нафар аъзоси сира ҳам тушкунликка берилмай, одатдагидек астойдил меҳнат қилмоқда. Уларга дала шийпонимизда тушлик қилиб, ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган. Шийпонда коронавирус инфекцияси профилактикасига тааллуқли зарур чоралар кўрилган: юз-қўлни ювиш учун иссиқ сув, совун, суюқ совун, антисептик воситалар билан таъминланган. Овқатланиш жойлари, ошхона ва бошқа хоналар ҳар куни хлорли сув билан ювилмоқда. Ишчиларимиз онгли равишда тиббий ниқоб билан ишлаяпти.

Жорий йилда 88,6 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштириш, ҳосилдорликни пахтадан 50, ғалладан 70 центнерга етказишни режалаштирганмиз. Айни пайтда буғдойни охирги ўғит билан озиқлантириш, суғориш ишлари қизғин давом этмоқда.

РИШТОНЛИК КУЛОЛ: ҲАР БИР УЙДА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Фарғона вилояти ўзининг моҳир ҳунармандлари билан машҳур. Айниқса, Марғилоннинг сержило атласию адраси, Риштоннинг кулолчилик маҳсулотлари, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги намуналари жаҳонда эътироф этилган. Коронавирус пандемияси барчани хавотирга солаётган бир вақтда улар қандай ишлар билан машғул?

Биз телефон орқали Риштон туманидаги уста кулол, "R+Koron" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Равшанжон Тожиддинов билан боғландик.

—Тўғриси, ҳозир ҳам иш билан бандман, — дейди уста. — Барчамиз учун синовли кунларда биз ҳунармандлар жим ўтиролмаймиз. Давлатимиз раҳбари инфекция тарқалишининг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар яратиб берди. Шунинг учун ҳаракат қилиб, барча имкониятларни ишга соляпмиз. Бугунги кунда жамиятимизда 370 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ишчиларимизнинг 300 нафари уй шароитида "устоз-шогирд" анъанаси асосида фаолият юритяпти. Биз уларга ярим тайёр кулолчилик маҳсулотларини етказиб берамиз, улар уни тайёр маҳсулотга айлантиради. Ҳунармандларимиз уйларида карантин қоидалари ва шифокорларнинг тавсияларига амал қилмоқда. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган 540 турдаги маҳсулотларимизнинг 95 фоизи экспорт қилиняпти.

Албатта, ҳамжиҳат бўлсак, бу балони енгамиз. Кулолчилик маҳсулотлари брендини яратиб, жорий йилда 5 миллион долларлик экспорт қилиш ниятидамиз.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ҲАМ ИШ ТЎХТАБ ҚОЛГАНИ ЙЎҚ

Бугунги кунда Ўзбекистонда 80 мингдан ортиқ фермер хўжалиги, 4 миллионча томорқа ер эгаси ва деҳқон хўжалиги, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган 30 мингга яқин корхонада баҳорги экин экиш, агротехник тадбирларни амалга ошириш ишлари карантин режимига қатъий амал қилинган ҳолда жадаллик билан олиб борилмоқда, — дейди ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси бўлими мудири Бахтиёр Руҳитдинов. — Далаларда иш қизғин. Иссиқхона хўжаликлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда аҳолимизга маҳсулот етказиб беришда давом этмоқда.

Оддий мисол. Карантин вақтида аҳолига ҳимоя ниқоблари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи корхоналар фаолияти тўхтагани йўқ. Ўрганишлар давомида карантин қоидаларини бузмаслик, жамоавий тарзда ишлашни кескин қисқартириш орқали инфекциянинг тарқалиш хавфини камайтириш мақсадида касаначилик меҳнатидан фойдаланилмоқда. Бир сўз билан айтганда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг зарур маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида барча чоралар кўрилмоқда.

Ишонтириб айтамизки, озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига ва нархларнинг сунъий ошиб кетишига йўл қўйилмайди.

ФАҚАТ БУГУННИ ЎЙЛАБ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ!

Наманган шаҳридаги "Водий нон" корхонаси раҳбари Акмалхон Маҳмудов шу кунларда халқимиз учун энг зарури — бирдамлик ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Синовли кунларни бошдан кечиряпмиз. Бутун дунё оёққа турган. Бу кўринмас балои офатни даф қилиш учун ҳамма чоралар кўриляпти. Одамларимизни асраш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш давлатимизнинг энг муҳим вазифасига айланган.

Аммо эл бошига иш тушганда шунчаки томошабин бўлиб ўтириш ярамайди. Баъзилар, ҳеч бўлмаса, "Беҳуда ваҳима кўтарманглар, карантин қоидаларига амал қилинглар", деган оддий талабни ҳам бажара олмаётгани одамни ташвишга солади.

Тўғри, давлатимиз ҳеч бир юртдошимизни эътибордан четда қолдирмайди. Аммо нажотни фақат осмондан кутиб яшаш ҳам тўғри эмас-да. Чунки бу оғир дардни эртами, индинми, барибир енгиб ўтишимизга ишонаман. Ҳаёт яна аввалги маромига тушади ҳам! Хўш, шундай экан, фақат бугунни ўйлаб яшасак, ютказиб қўйишимиз мумкин.

Жилла қурса, биз, тадбиркорлар бундай машаққатли дамларда фидойи бўлайлик! Давлат иқтисодиёти зарар кўрмаслиги учун жон койитайлик!

Ўзимиздан мисол, корхонамизда олти киши ишлайди. Кунига бир тонна миқдорида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Лекин фаолиятимизни бутунлай тўхтатиб қўя олмаймиз. Чунки ҳамма технологик жараёнларни ёппасига тўхтатса, аҳолининг эҳтиёжлари нима бўлади? Танқислик юзага келмайдими? Яхши умидлар билан очган корхонамиз-чи? Ишчиларимизнинг аҳволи нима кечади? Ахир уларнинг ҳам рўзғори, бола-чақаси, қора қозони бор! Қолаверса, давлат иқтисодиёти учун ҳам мадад керак!

Айни сабабдан, аввало, ишчиларимизнинг карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишини таъминлаяпмиз. Дезинфекция қилинган машиналарда ишга қатнашяпти. Корхонамизда ҳам худди шундай чоралар кўрилган. Барча тиббий ниқоб, шахсий гигиена воситалари билан таъминланган. Яъни саломатлиги доимий назоратда, дейди тадбиркор.



ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА УЗЛУКСИЗ ЕТКАЗИЛАДИ

Бугунги кунда Қандолатчиликни ривожлантириш уюшмаси таркибида 200 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда, — дейди Қандолатчиликни ривожлантириш уюшмаси раиси Баҳодир Умиршайхов. — Улар томонидан 300 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириб, 34 миллион долларлик маҳсулот етказишни режалаштирганмиз.

Тошкент вилоятида озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларнинг махсус шаҳарчасини ташкил қиламиз. Ушбу лойиҳа учун 500 миллион долларлик инвестиция ажратилади. Шунингдек, 2019 йилда мамлакатимизда қандолатчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича четдан 50 миллион долларлик инвестиция киритилган. Мазкур ташаббус амалга оширилса, нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатларга, Россия, Хитойга ҳам маҳсулот экспорти кенгаяди.

Карантин даврида биз халқимизга кўмакдош бўлмоқдамиз. Ижтимоий тармоқларда озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари етишмовчилиги, нархларнинг оширилаётгани ҳақида айтилаётган маълумотларга чалғимаслик зарур. Уюшмамиз таркибидаги барча корхоналар томонидан аҳоли истеъмоли учун зарур маҳсулотлар ўз вақтида ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг захираси ҳам етарли миқдорда ғамланган.

ОРОЛНИНГ ҚУРИГАН МАЙДОНИДА ЎРМОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бутун дунё, жумладан, юртимизга ҳам коронавирус инфекцияси хавф солиб турган бир пайтда Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш тадбирлари давом этмоқда.

— Ҳозир дарахтларни экишнинг айни пайти, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация маркази директори Нурлибек Мирзамуратов. — Коронавирусга қарши санитария-гигиена қоидаларига амал қилиб, марказимизнинг барча ходимлари белгиланган вазифаларни амалга оширмоқда. Ҳар бир киши, аввало, ўзини эркин тутиши зарур. Ваҳимага ўрин йўқ. Шунчаки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ҳукуматимиз томонидан таъкидланаётган қоидаларга қатъий риоя қилсак бас. Ҳозир ўзим ҳам экин майдонидаман. Тоза ҳаво инсоннинг иммунитетини мустаҳкамлайди. Жисмоний меҳнат ҳам минг дардга даво.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказининг фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан "My garden in the Aral Sea" ("Оролдаги боғим") агро ва экотуризм лойиҳаси амалга оширилиши белгиланган эди.

Лойиҳанинг асосий мақсади бутун дунё вакиллари ва маҳаллий аҳолида Орол денгизининг қуриши оқибатларини енгиб ўтишда бевосита иштирок этиш ҳиссини уйғотиш ва шу орқали Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга ҳисса қўшишдир. Шу мақсадда аҳоли томонидан кўкаламзорлаштириш лойиҳаси яратилди ва дарахтларни экиш учун маблағ йиғиладиган краудфандинг (аҳоли молиялаштируви) платформаси ишга туширилди.

49 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда "Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан "Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида мавжуд учта пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасини (УППБС-3/1,2,5) модернизация қилиш" бўйича қиймати 49 миллион долларлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу ҳақда "Ўзбекнефтгаз" АЖ матбуот хизмати маълум қилди.

Лойиҳа учун Украинанинг "Сумское НПО", Россиянинг "КМПО", "НИПИ НГ ПЕТОН", "Электростандарт-прибор", Швейцариянинг "Endress+Hauser" ва бошқа чет эл заводларида ишлаб чиқарилаётган ускуналар харид қилинади.

Ускуналар бўйича тайёрлаш ишлари бошланган бўлиб, ҳозир сиқув компрессори станциясининг бир нечта алмашувчи ички қисмлари, ЗРА ва КИПиА ускуналари, паст кучланишли электр ускуналари, суюлтирилган газни сақлаш сиғимлари, сепараторлар, лаборатория жиҳозлари каби ускуналар олиб келинган.

"Муборакнефтгазмонтаж" МЧЖ бош пудратчи сифатида қурилиш ишларини бажармоқда.

Маълум қилинишича, мазкур ишлар жорий йилнинг сентябрь ойига қадар якунланади.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

Долзарб мавзу

ИМТИЁЗ, РАҒБАТ ВА МОЛИЯВИЙ ЧОРАЛАР

Бошланиши 1-бетда

Таҳлиллар коронавируснинг иқтисодий таъсири боис, меҳмонхона бизнесида 90 миллиард сўмлик, транспорт-логистика соҳасида 650 миллиард сўмлик, умумий овқатланиш муассасаларида 180 миллиард сўмлик, ташқи савдо корхоналарида 3,6 триллион сўмлик кредитларни қайтариш имконияти пасайишини кўрсатди.

Демак, ташхис аниқ экан, молиявий кўмакнинг қандай чоралари қўлланилади?

Фармонда бунинг учун энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратишга асосий вазифа сифатида эътибор қаратилди.

— Ҳолатдан келиб чиқиб, тижорат банклари томонидан кредит қарздорлиги тўловлари муддатларини ҳеч қанақа жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда жорий йилнинг 1 октябригача узайтириш имконияти яратилди, — дейди Марказий банк бошқарма бошлиғи Ҳусанхўжа Обидов. — Жисмоний шахслар бўйича ҳам ана шундай қарор қабул қилинган. Карантин режими натижасида ишсиз қолганлар, молиявий ҳолати кескин ёмонлашган мижозларнинг кредит тўловлари ҳам 1 октябрга қадар кечиктирилади. Бу жараён банк мижозларига ноқулайлик яратмайди. Уларнинг аризалари асосида банклар томонидан қарорлар соддалаштирилган тарзда ва оператив қабул қилинади.

Марказий банк маълумотига кўра, шу пайтга қадар муддати узайтирилиши белгиланган жами 5 триллион сўм миқдоридаги кредит тўловларидан тижорат банклари томонидан 4668 та кредит шартномасига оид тўловларни қайтариш муддатлари қайта кўриб чиқилди. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш юзасидан доимий мониторинг олиб борилмоқда. Президентимиз раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бизнес вакилларининг фикри инобатга олинган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар бериш зарурлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмайди.

1 ноябрга қадар коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объекти бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилади. Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилади.

Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисобрақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади.

— Президентимизнинг 19 мартдаги фармонига биноан, — дейди Давлат солиқ қўмитаси бош инспектори Музаффар Назаров, — жисмоний шахслар ва корхоналар учун солиқ юкини камайтириш бўйича қатор солиқ имтиёзлари ва енгилликлар ҳам тасдиқланган. Бу тадбирларнинг ижроси тўлиқ таъминланяпти. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг минимал базавий суммаси (223 000 сўм) 50 фоизгача камайтирилди ёки 111,5 минг сўмга туширилди. Бу 239 мингта якка тартибдаги тадбиркорга 232,9 миллиард сўм маблағини тежаш имкониятини беради.

Тўғридан-тўғри ёки билвосита туризм соҳасига боғлиқ бўлган 3167 нафар якка тартибдаги тадбиркор учун шахсий даромад солиғининг белгиланган миқдори 30 фоизга камайтирилмоқда. Бунинг натижасида уларнинг ҳисобида 2,3 миллиард сўм қолади.

Жисмоний шахсларнинг 2019 йил учун жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш 2020 йил 1 августгача, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддати эса 15 октябргача узайтирилди. Жорий йил 1 апрелдан бошлаб хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган жисмоний шахсларнинг даромадлари солиқдан озод қилинди. Бу ўртача 28,4 миллиард сўмни ташкил этади.

Фармонга биноан, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 50 фоизга пасайтирилмоқда. Бу имтиёздан 83 мингта фермер хўжалиги фойдаланишини ҳисобга олсак, уларга сув солиғи бўйича 300 миллиард сўмлик прогноз кўрсаткичлари тенг ярмига қисқармоқда.

Бир сўз билан айтганда, бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмайди. Чунки 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ аудитидан ҳам ўтказилмайди.

Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон глобал иқтисодиётнинг бир бўлаги экан, дунёда рўй бераётган инқироз ҳолатлари унинг иқтисодига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслиги, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 1,8 фоизгача, экспорт ҳажми 1,1 миллиард долларгача қисқариш хавфи борлиги, шунингдек, 2 миллиард долларлик хорижий инвестиция лойиҳалари кечикиши мумкинлиги айтилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг инсонпарварликка йўғрилган тарихий ҳужжатларида молиявий салбий таъсирларга қарши курашишнинг самарали чоралари белгилаб берилди. Уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши наинки бизнес субъектлари зиён кўришининг олдини олишга, шу билан бирга, аҳолининг ҳам турмуши яхшиланишига хизмат қилади.

Ташаббус

"СИНОВЛИ КУНЛАРДА МЕНИНГ ҲИССАМ БЎЛСИН"



Ботир МАДИЁРОВ

Шерзодбек Ғаниев Латвиянинг ISMA университети Фарғона филиалида таҳсил олади. У бошқа тенгдошлари қатори ҳозир таътилда, уйида. Унинг исмини бугун нафақат Марғилон шаҳрида, балки Фарғона вилоятида ҳам деярли барча билади. Йўқ, у фавқулодда қаҳрамонлик кўрсатгани йўқ. Лекин ҳаётдаги бир хайрли қарори, амалий иши билан эл оғзига тушди.

Бу камсуқум ва камтар, аммо билимли ва маданиятли йигит ўзи уйида боқиб юрган 20 бош қўйни сўйиб, бозор нархидан анча арзон — 40 минг сўмдан сотишга топширди.

— Менга бир йигит қўнғироқ қилиб, бугун бозорда қўй гўшти нархи қанча, деб сўраб қолди. Мен бир килоси 58-60 минг сўм сотилаётганини айтдим. Шунда у ўзи боқаётган қўйларини ҳозир кушхонага жўнатаётганини ва сўйилган қўй гўштини бозор расталарида 40 минг сўмдан сотиришга ёрдам беришимни илтимос қилди, — дейди Марғилон шаҳар деҳқон бозори раҳбари Иброҳимжон Азизов. — Очиғи, ҳеч қачон илгари бундай таклиф эшитмаганим учун бироз ўйланиб қолдим. Йўқ, у рост айтган экан. Кушхонада 20 бош қўй сўйдириб, бозорга юборибди. Қўйлари семиз экан, салкам бир тонна чиқди. Биз дарҳол расталарга тақсимлаб, у айтганидек 40 минг сўмдан сотишни йўлга қўйдик.



Шу куни харидорлар ҳам ҳайрон эди. Шундай ташвишли кунларда уларнинг юзларида табассум пайдо бўлди. "Барака топсин, тарбиялаган ота-онасига раҳмат", дерди улар.

— Қўй боқиш осонмас, унга фақат ем эмас, меҳр билан муносабат ҳам керак. Шунда у семиради, — дейди харидор Икромжон Холмуродов. — Мен ҳам уйда 4 бош қўй боқаман. Бугун бориб оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, улардан биттасини арзон нархда сотишга бермоқчиман. Биз каби уйида қўй боқадиганларга ибрат кўрсатибди ўша йигит, баракалла!

Шерзодбек бизга ёшлигиданоқ қўй боқишга иштиёқманд эканини айтди.

— Баъзида бозордан ёш, ёлғиз қўзиларни сотиб оламан, совлиқлар қўйхонамда кўпаяди. Бир гал учта қўзи туғилган. Кейинкейин зотли қўчқорлар, ҳисори қўйларни бўрдоқига боқадиган бўлдим.

— Ўқишингизга халал бермайдими, ахир бу юмуш ҳам вақт талаб қилади-ку? — сўраймиз ундан.

— Йўқ-йўқ. Агар сизда қўй боқишга ҳавас уйғонса, ҳаммасига вақт топилади.

— Илтимос, мен ҳақимда ёзиш шарт эмас, — деди камтарлик билан Шерзодбек. — Мен шундай синовли кунда халқимизни қўллаб-қувватлашга озгина бўлсада, шахсий ҳиссамни қўшмоқчи бўлдим, холос.

Гўшт растасидаги одамларни кузатамиз. Улар ўзларига нотаниш бир йигитни савобли иши учун дуо қилиб кетмоқда.

Давлат бошқаруви

МУТЛАҚО ЯНГИ ВА САМАРАЛИ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлат идоралари халқ манфаатига хизмат қиладиган янги тизим яратилди. Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг фаол механизмига ўтди.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ҳам ислоҳотлар давом этмоқда. Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилда 4,9 миллионта хизмат кўрсатилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 2,3 бараварга ошди. 24 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилди ва жами электрон давлат хизматлари сони 157 тага етди.

Шунингдек, ижро бўғини фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 та функция ва ваколати тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан 32 турдаги ҳужжатлар талаб этилиши, шунингдек, уларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилиши тақиқланди. Ўттизга яқин идоралараро ҳайъат органлари тугатилди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат бошқаруви тизими сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган бундай ислоҳотларни янада ривожлантириш, "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш борасида бажарилиши зарур бўлган устувор вазифаларни белгилаб берди.

Шу билан бирга, Мурожаатномада ҳокимликларда қарийб 300 та вазифа ва функция мавжудлиги, уларнинг 175 таси уларга хос эмаслиги ва бошқа идоралар функцияларини такрорлаши, бу эса уларнинг фаолияти етарли даражада самарали эмаслиги ва ортиқча қоғозбозликлар мавжудлигидан далолат бериши таъкидланди.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича таклиф тайёрлаш топширилди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қонунчилик палатасида амал қилаётган янги механизм, яъни Бош вазир ва ҳукумат аъзолари томонидан Олий Мажлисга муҳим парламент қарорлари ва қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш билан бир қаторда давлат дастури ижроси ҳақида ҳар чоракда ҳисобот тақдим этиш амалиёти такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, Қонунчилик палатасида "Ҳукумат соати" институти жорий этилиб, бу тадбирда ҳукумат аъзолари депутатлар саволларига жавоб беради.

2020 йилга мўлжалланган давлат дастурининг давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишида 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши белгиланган. Ушбу ҳужжатлардан бири айнан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилади. Хусусан, унда ҳокимларнинг ваколатлари қайта кўриб чиқилади, уларга хос бўлмаган, бир-бирини такрорловчи функцияларни тегишли органларга ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимлик аппарати таркибий бўлинмалари функционал вазифаларининг намунавий низомларини тасдиқлаш, ҳокимлар фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ мезонларни ва мақсадли вазифаларни ишлаб чиқиш ва бошқалар назарда тутилган.

Айни пайтда Адлия вазирлиги ана шундай қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш баробарида давлат бошқаруви соҳасини янада такомиллаштириш йўналишида ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганмоқда. Айтиш керакки, бугунги кунда дунёнинг тараққий этган давлатларида бу йўналишда ўзига хос илғор тажрибалар тўпланган ва ютуқлар жамиятда очиқлик, адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, жамият фаровонлигини юксалтириш омили бўлаётир. Ҳозир Буюк Британия тажрибасини ўрганиб, ундан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда самарали фойдаланмоқдамиз. Давлат хизматлари агентлиги фаолияти бунга мисолдир.

Жорий йилда Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шуниси аҳамиятлики, БААда давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш борасида эришилаётган ютуқлар жаҳон миқёсида алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, 2019 йил якунлари бўйича Жаҳон иқтисодий форумининг институтлар сифати кўрсаткичи бўйича рейтингида 41 мамлакат ўртасида БАА 4-ўринни эгаллади.

БААнинг Вазирлар Маҳкамаси ишлари ва келажак вазирлиги вакили Азиз Хмуд ал-Амирийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида БААнинг давлат бошқаруви тизимида эришган ютуқларини давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилди. Шу билан бирга, мазкур хорижий эксперт иштирокида қатор вазирлик ва идоралар ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган бундай муҳим ислоҳотлар давлат ва жамият қурилишининг янги босқичида мамлакатимизни демократик модернизациялаш, юқори иқтисодиётга, етук фуқаролик жамиятига эга янги Ўзбекистонни шакллантиришда муҳим омил бўлади.

Фарғона томонларда...

ЯЙДОҚ ҚИР-АДИРЛАР БОҒ-БЎСТОНГА АЙЛАНАДИ

Гулсум ШОДИЕВА

ОДАМИЙЛИК — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Фарғона вилояти ташкилотлари раҳбарларининг иш тартибида бир ойда камида бир марта Сўх туманида фуқароларнинг сайёр қабулини ўтказиш, энг чекка қишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси билан учрашиш бор.

Сариканда маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи 90 ёшли Сирожиддин Мадаминов 11 йилдирки, тўшакка михланиб қолган. Вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев унинг ҳолидан хабар олиш учун хонадонига тўсатдан кириб бориши отахонни ҳаяжонлантириб юборди. Кўзига ёш олиб, дуога қўл очди.

Сирожиддин ота 62 йил давомида ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Уни сўхликлар яхши танийди ва ҳурмат қилади.

— Мен сизга ўзи юрадиган аравача олиб келдим. У билан ошналарингиз, ҳамқишлоқларингиз олдига боришингиз мумкин, — деди вилоят ҳокими отахонга саломатлик тилаб.

Бундай мурувватдан отахоннинг юзида табассум балқди. Ёшларга панду насиҳат беришни, эзгу ният билан яшашни хуш кўрадиган Сирожиддин ота ногиронлик аравачасига ўтириб, дарҳол кўча томон йўл олди. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, бугунги тинч ҳаётимиз, фаровон турмушимиздан ғурурланишини эътироф этди.

Буюк мутафаккир Шайх Саъдий "Гулистон" асарида "Эҳтиёжманд, бемор ҳамда шикаста қалбларни зиёрат этмоқ — одамийликнинг энг олий фазилатларидан бири", дейди. Бугун юртимизда давлатимиз раҳбарининг халқ манфаати йўлида юритаётган сиёсати боис, шикаста диллар, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ёрдам бериш ана шундай тамойилга айланган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШЛИ БЎЛМОҚДА

Вилоятда уйда ўтирган, вақтинча ишсиз хотин-қизларни муносиб ҳақ тўланадиган доимий иш ўрни билан таъминлашга ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги томонидан дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилган. Улардан бири ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини ташкил этишдир. Шу йўл билан 4,5 минг нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиши режалаштирилган.

Яқинда Ёзёвон туманининг энг чекка ҳудудларидан бири Тошҳовуз маҳалла фуқаролар йиғинида "Yozyovon baraka chevarlari" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Натижада 130 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Мазкур корхона қурилиши учун 1 миллиард 700 миллион сўм маблағ сарфланиб, Хитойдан тикув машиналари олиб келиб ўрнатилди.

— Белгиланган режага кўра, 2020 йилда 8 та туманда шу каби тикувчилик корхоналари ишга туширилади, — дейди "Farg'ona baraka chevarlari" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Давронбек Жўрабоев. — Ҳозир Риштон, Ёзёвон ва Фарғона туманларида лойиҳаларимиз амалга оширилиб, кўплаб хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришдик. Бу корхоналарга ногиронлиги бор хотин-қизлар ҳам ишга жалб этилмоқда. Улар имкониятига яраша меҳнат қилсалар-да, бир йил давомида белгиланган тартиб ва миқдорда иш ҳақи олади. Бундан ташқари, корхоналар иш бошлаган ҳудудда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қад ростлаб, бу ерлар обод массивга айланяпти. Уларга кўчиб ўтган хотин-қизларни иш билан таъминлашда бундай лойиҳаларнинг ўрни катта бўлмоқда.

Ёзёвондаги корхонада Тошҳовуз ва Такалик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи хотин-қизлар иш бошлаган. Улар орасида ногиронлиги бўлган 10 нафар шахс ҳам бор. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг 34 нафари тикувчилик касбига қайта тайёрланди. Жумладан, 2-гуруҳ ногирони Нодира Аҳмадалиеванинг ҳам орзуси ушалди. У яқинда Тошҳовуз мавзесидаги янги уйга кўчиб ўтганди. Энди эса ўзининг севган касби — тикувчилик бўйича ишли бўлди.



ЁШЛАР ТАШАББУСИГА КЕНГ ЙЎЛ

Вилоятнинг Бешариқ тумани ёшлари кўплаб ташаббуслар билан чиқмоқда. Хусусан, улар қўшни Тожикистон билан чегарадош ҳудудда жойлашган адирликларда янги тут плантацияси яратиш таклифини илгари сурганди. Бу таклиф туман ва вилоят мутасаддилари томонидан тезда қўллаб-қувватланди ва ёшлар лойиҳани бажариш учун енг шимариб ишга киришди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бешариқ тумани бўлими раҳбари Б.Абдусаидовнинг қайд этишича, Файзли Адиробод массивида 2,5 минг гектар ерда тут плантацияси барпо этилмоқда. Айни пайтда балл бонитети паст, шамол эрозиясига учраган 72 гектар қуриган мевали боғ, 705 гектар яйлов ҳамда туман захирасига олинган 1073 гектар бўш майдонда иш бошланди. Янги тут плантацияси ташкил этиш учун 13 миллиард сўм маблағ зарур эди. Тезда ушбу маблағ манбаси шакллантирилди. Шунингдек, сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадида 23 та артезиан қудуққа буюртма берилиб, бунинг учун 5 миллиард 60 миллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

— Юртимизда ёшлар ташаббусларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч қўшмоқда, — дейди туманнинг фаол ёшларидан бири М.Облоқулов. — Ҳозирги кунда юзлаб тенгдошларимиз елкама-елка туриб, ер текислаш, ҳайдаш ва тут ниҳолларини экиш ишларини бажаряпти.

"Бешариқ ипаги" пиллачилик кластери раҳбари М.Қосимовнинг маълум қилишича, дастлабки кунларнинг ўзида 200 гектар ерга кўчат экиб бўлинди.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, туман ёшлари ташаббуси билан бошланган эзгу саъй-ҳаракатлар яқин йилларда ўз самарасини бериб, яйдоқ адирлар боғу бўстонга айланади.

Бугунги ёшлар



Шаҳло АБДУСАИДОВА,
журналист

Эзгу ғояларни амалга ошириш учун ҳам журъат ва жасорат керак. Яхши ният ва катталар дуоси билан бошланган хайрли ишда эса, албатта, файзу барака бўлади.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ИССИҚХОНА — ЧИНАКАМ ДАРОМАД МАНБАИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг май ойида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Ховос туманидаги "Ҳожи Гадойбой ота" хусусий корхонаси томонидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхона мажмуасини кўздан кечирар экан, бундай иссиқхоналарни кўпайтириш борасида тавсиялар берган эди. Давлатимиз раҳбарининг йўл-йўриқлари вилоятда айнан шундай иссиқхона қурмоқчи бўлган тадбиркорлар учун дастуриламал бўлди.

"Ҳожи Баҳодирхон ота" МЧЖ раҳбари Ҳасан Жабборов тадбиркорлик фаолиятини бошлаганига эндигина уч йил бўлди. Бу йил 32 баҳорни қаршилаган, болалигидан томорқада оила аъзолари билан помидор, бодринг, булғор қалампири, бақлажон каби сабзавот ва полиз экинларини етиштирган Ҳасаннинг қўллари меҳнатда қотди, кўзи деҳқончиликда пишди. Яхши ният — ярим давлат, деганларидек, юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, 2018 йили "Асакабанк"нинг вилоят филиалидан 10 йил муддатга 1 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олди. Кредитга Жанубий Кореядан гидропоника усулида маҳсулот етиштириладиган 2 та иссиқхона сотиб олди. Ўша йилнинг ўзида Янгиер шаҳри четида саккиз ой муддат ичида 2 гектарлик замонавий иссиқхона қад ростлаб, сентябрь ойида фойдаланишга шай ҳолатга келтирилди.

Иссиқхоналарга биринчи йили "Дафнис" навли 40 минг донадан ортиқ помидор кўчати ўтказилди. Малакали агрономлар ёрдамида кўчатларнинг ривожи доимий назорат остида бўлди. Ўтган йилнинг февраль ойида иссиқхоналардан



биринчи ҳосил олинди. Ёш тадбиркор аҳоли дастурхонига йил охиригача 65 тонна помидор етказиб беришга муваффақ бўлди.

— Ихчам ва самарадор иссиқхоналар юқори сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини беради, — дейди Ҳасан Жабборов. — Гидропоника усулидаги иссиқхона замонавий ускуналар ёрдамида тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда бошқарилади. Кўчатлар тежамкор томчилатиш усулида суғорилиб, озиқлантирилди. Ўсимлик озуқани илдизларини ўраб турган эритмадан олади. Иссиқхона тепасига очилиб-ёпилувчи тизим ўрнатилган бўлиб, у ҳам автоматик тарзда бошқарилади. Оз меҳнат сарфлаб, кўп ҳосил олишга жуда қулай.

Фойдаланилмай ётган бўш майдонда қурилган иссиқхона бозорларимизда помидорга бўлган талаб қондирилишига ҳисса қўшди. Бунинг устига, 10 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Бу йил тадбиркор иссиқхоналарнинг бирига "Муса" навли 22 минг дона помидор, иккинчисига эса яна шунча миқдорда "Калифорния" навли булғор қалампири кўчатини ўтқазди. Айни пайтда ҳосил етилиш арафасида. Жорий йилда тадбиркор помидор ва булғор қалампиридан жами 170 тоннадан зиёд ҳосил олишни мўлжаллаб турибди.

Ҳасан Жабборов бу билан кифояланмоқчи эмас. У иссиқхонани кенгайтириб, ҳосилни қайта ишлаш учун консерва цехи қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир эса фаолиятини бошқа соҳада ҳам синаб кўришга киришди. Тадбиркор иссиқхона ёнидаги унумсиз ерларда интенсив боғ яратиш тараддудида. Боғнинг атрофига тут дарахти экиб, пилла етиштирадиган кичик фабрика очмоқчи. Бир сўз билан айтганда, келгусида кластер ташкил қилишни режалаштирган.

— Ўтган йилги ҳосилимиз қўшни давлатлар — Қозоғистон ва Тожикистонга ҳам етиб борди, — дейди тадбиркор. — Фақат биз тўғридан-тўғри экспорт қилмадик, балки биздан кўтарасига сотиб олган тадбиркорлар орқали савдо амалга оширилди. Бу йил, агар имконият бўлса, ўзимиз экспорт қилишни йўлга қўймоқчимиз. Президентимизнинг "Иссиқхона — даромад манбаи", деган сўзларининг амалда тасдиғини кўриб турибмиз. Кўп даромад олиш учун эса меҳнат ва яна меҳнат қилиш керак.

Ҳа, чиндан ҳам яхши ният билан ҳаракат қилган инсон кам бўлмайди. Аввало, рўзғори бут бўлади, оиласида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради. Вилоятнинг, қолаверса, республиканинг иқтисодий салоҳиятига, эл дастурхони тўкин-сочинлигига муносиб ҳисса қўшаётган Ҳасан Жабборов сингари ташаббускор, серғайрат ёш тадбиркорларимизнинг истиқболи порлоқлиги юқоридаги ишларида акс этиб турибди.

2017 йилда давлатимиз раҳбарининг илм аҳли билан учрашувидан сўнг олимларнинг жамиятдаги нуфузи бир қадар юксалди. Уларнинг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш, маошини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан соҳасини молиялаштириш тўрт карра кўпайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 31 март, 48-сон

2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ – БУГУН ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ



Бошланиши 1-бетда

Тан олиш керак, сўнгги йилларда илмга эътибор сусайиб, бутун бошли академиклар мактаби деярли йўқолиб кета бошлаганди. Илмий тадқиқот олиб бораётган ёшларга қўйилган ҳаддан ташқари талаблар, бюрократик тўсиқлар уларни бездирган эди. ЎзФА тизимидаги юқори салоҳиятли, дунёда ўз мавқеига эга илмий институтлар олий таълим тизими тасарруфига ўтиб кетиб, баъзилари фаолиятини буткул тўхтатганди. Айни ҳолатлар илм-фан ривожида кескин узилишларга сабаб бўлди. Натижада ўзбек олимларининг илмий изланишлари дунё илм-фани ривожига номутаносиб олиб борилди. Айниқса, изланишлар натижалари, уларни амалиётда қўллаш, тармоқ, соҳаларга татбиқ этиш бўйича мураккабликлар юзага келди. 2017 йилда давлатимиз раҳбарининг илм аҳли билан учрашувидан сўнг олимларнинг жамиятдаги нуфузи бир қадар юксалди. Уларнинг яшаш ва ишлаш шароитини яхшилаш, маошини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан соҳасини молиялаштириш тўрт карра кўпайди. Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақи уч баробар оширилди. Фан доктори ва фан номзодлари учун алоҳида устама белгиланди.

Ўша йили Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди. ЎзФА тизимида фаолиятини тўхтатган кўплаб институтлар 2016-2017 йилларда қайта тикланди. Бугунги кун талабига жавоб берадиган илмий даргоҳлар ташкил этилди. Айни пайтда ЎзФА таркибидаги ўттиздан ортиқ илмий-тадқиқот институтида турли соҳаларда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили 29 октябрда "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Уни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий платформасини яратиш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилгани олимларимизга дунё илм-фани билан ҳамқадам бўлиш учун муайян шарт-шароитлар яратди.

Айни пайтда олиб борилаётган илмий изланишлар натижаси, албатта, қачондир мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Аммо кўп йиллар давомида илм аҳлининг ўзи яратган маҳсулотни бирор соҳа ёки тармоққа қўллаши жуда катта машаққат бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги "Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мана шу йўлдаги барча тўсиқларни олиб ташлашда муҳим асос бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳар бир илмий ходим ёки илмий-тадқиқот институтининг ўзи яратган илмий-ишланмани тижорийлаштириш мақсадида бирор корхонага бериши учун имкон яратилди.

Илмий-тадқиқот институтлари, айниқса, табиий фанлар йўналишидаги илм даргоҳлари фаолиятини ривожлантиришда тажриба-синов базасини ташкил қилиш, ишланмалар натижаларини шу базаларда тўлиқ синовдан ўтказиш, уларнинг технологиясини яратиш ва тижорийлаштиришгача олиб бориш керак. Акс ҳолда, илмий ишланмалар самарадорлигини кўрсата олмайди. Тўғри, илмий изланишларни соҳа ёки тармоққа жорий қилиш бўйича келишувлар олиб борилмоқда. Аммо бу мулоқотлар бугунги кун талабига тўла жавоб беради, деёлмайман. Масалан, кимё фанининг ривожланиши фақат ўғит билан боғлиқ эмас. Кимё-биология фанининг озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, геология ва бошқа кўплаб соҳаларда ўз ўрни бор. Ҳозирги илм аҳли олдида турган вазифа ҳам шу — амалиётда ўз ўрнини топиш. Ана шундагина муайян ютуқларга эришамиз ва изланишларимиз орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшамиз.

Навқирон авлод вакилларини илмга кенг жалб қилиш мақсадида истеъдодлиларни аниқлаш, танлаш, тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилган. Академия илмий фаолият билан шуғулланишга қизиқиши юқори бўлган ёш тадқиқотчиларни илм-фанга жалб қилиш, илмий тадқиқот фаолияти кўрсаткичлари ва ишланмалар натижаларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакат илм-фани салоҳиятини ошириш мақсадини кўзда тутади. Ёш изланувчиларни докторантурага қабул қилиш квотаси оширилди. Уларни уй-жой билан таъминлаш, пропискага қўйиш каби масалалар ҳам ечилди. Энди ёшларимиз фикрини чалғитмай, катта илмий изланишлар қилиши мумкин.

Яқинда Эронга хайрия ёрдами сифатида 11 минг 750 та рутан препарати жўнатилди. Бу препарат бир пайтнинг ўзида инсоннинг иммун тизимига таъсир этиб, вирусларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Шу билан бирга, вирусни жиловлаш хусусиятига эга.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Бу йил Фанлар академияси институтларига стажёр-тадқиқотчи сифатида етмишдан зиёд йигит-қизни қабул қилдик. Стажёр тадқиқотчилик институтининг Президентимиз томонидан қайта тикланиши ёшларнинг илмга интилишини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Биоорганик кимё институтининг асосий вазифаси ўсимлик, ҳайвонот оламида мавжуд биологик фаол бирикмаларнинг функциясини ўрганишдан иборат. Қишлоқ хўжалиги учун янги биостимулятор, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун махсус перепаратлар, тиббиётда янги оригинал дори воситаларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа кўплаб соҳаларда илмий ишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян муваффақиятларга эришилди. Биринчи маротаба, шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида шўрни ювиш самарадорлигини ошириш учун янги препарат яратилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Яна бир ишланма ДАГ препарати бўлиб, чигитни экишдан олдин у билан ишлов бериш ҳосилдорликни 10 центнер оширади. Касалликка, табиатда учрайдиган ҳар хил салбий ҳолатларга ўсимликни чидамли қилади. ДАГ препарати Сирдарёда "Бек кластер" корхонасида кенг миқёсда қўлланмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимида вирусга қарши дори воситаларини ишлаб чиқиш борасида ҳам изланишлар олиб бордик. Ҳозирги кунда институт томонидан ўндан ортиқ дори воситаси тиббий амалиётда қўлланмоқда.

Шундай дори воситаларидан бири — грипп-га қарши рутан препаратини яратишга эришдик. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги рўйхатидан ўтган бу дори таблетка шаклида ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда Эронга хайрия ёрдами сифатида 11 минг 750 та рутан препарати жўнатилди. У бир пайтнинг ўзида инсоннинг иммун тизимига таъсир этиб, вирусларга қарши курашиш қобилиятини оширади. Шу билан бирга, вирусни жиловлаш хусусиятига эга.

Герпес, хламидия инфекцияси, гепатит, ОИТСга қарши, қон тўхтатувчи, яраларни тез битириш хусусиятига эга кўплаб дори воситалари айни пайтда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. Улар тиббиётда қўлланмоқда.

Халқаро алоқаларни мустаҳкамламасдан туриб, илмни ривожлантириб бўлмайди. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бутун дунё олимлари Хитой Фанлар академиясининг Шанхай тиббий материя институтида ўзи ажратиб олган биологик фаол бирикмалар скринингини амалга оширишга қизиқади. Чунки ушбу илмий муассасада биоскрининг ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Институтимизда эса биологик фаол табиий бирикмаларни ажратиб олиш ва уларни кимёвий модификациялаш орқали йўналтирилган фармакологик хусусиятлар бериш каби илмий изланишлар юқори даражада олиб борилади. Шу сабабли

Шанхай тиббий материя институти директори бошчилигида лаборатория мудирлари институтимизга келиб, изланишларимиз билан танишди. Улар биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди ва бу борада меморандум имзоланди.

Айни пайтда Шанхай тиббий материк институтида ўзимиз олган биологик фаол бирикмалар скринингини амалга оширишимиз мумкин. Бир вақтнинг ўзида улар ҳам ходимларини юбориб, биз билан тажриба алмашмоқчи. Қолаверса, рутан препаратини рўйхатдан ўтказиб, ишлаб чиқариш ниятида. Яқинда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ўзбекистон — Хитой қўшма лойиҳалари эълон қилинди. Унда тўртта лойиҳа билан иштирок этяпмиз. Бундай лойиҳалар Россия, Туркия билан ҳамкорликда ҳам амалга оширилади. Бу илмий изланишлар ўзбек илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Қишлоқ хўжалиги

ЭРТА ЭККАН ЭРТА ЙИҒАДИ



Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда кенг жамоатчилик эътибори коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган, унга қарши кескин кураш кетаётган ва эҳтиёт чораси сифатида баъзи чекловлар жорий қилинаётган шу кунларда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат жараёнлари қизғин давом этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги "2020 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги қарорида пахта толасининг сифати бўйича халқаро стандартлар ва талабларга жавоб берадиган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тезпишар, серҳосил ғўза навларини оқилона жойлаштириш ҳамда жорий йил пахта ҳосили учун ўз вақтида чигитни экиш кўзда тутилган.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, вилоят деҳқонлари ва тажрибали фермерлари коронавирус профилактикаси доирасида жорий қилинган карантин тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда пахта етиштириш учун ажратилган 73 минг гектар ер майдонидан юқори ҳосил олиш мақсадида экин экиш ишларини барвақт ва сифатли тугаллаш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Айни вақтда ер майдонларини ва техникани чигит экишга тайёрлаш ҳамда экиш уюшқоқлик билан ташкил этилган. Тажрибали деҳқонлар ўз далаларига "С-6524", "Султон", "Порлоқ-4", "Наманган-77" ва бошқа истиқболли навларни экиш билан банд. Бугунги кунда 231 та отряд ҳамда 404 та қишлоқ хўжалиги техникаси баҳорги экин ишларига шай қилиб қўйилди.

Вилоятда барча моддий ресурслар, уруғлик чигит, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар ва мавсумда қатнашадиган ишчи-ходимлар, механизаторларга тўланадиган иш ҳақи захиралари вилоят таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналари томонидан тўлиқ шакллантирилди.

Туманлардаги 4 та сектор раҳбарлари томонидан экишнинг сифати, тўлиқ контур бўлиши, моддий ресурсларнинг етказиб берилиши бўйича алоҳида назорат тартиби ўрнатилиб, мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Асосий мақсад бу йилги масъулиятли мавсумни қисқа муддатларда, сифатли ва самарали якунлаб, вилоятнинг 229 минг 600 тонналик улкан хирмонини барпо этиш учун дастлабки тамал тошини мустаҳкам қўйишдир.

Айни пайтда вилоятнинг Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманларида чигит экиш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Албатта, экишни ердан нам кетмасдан, сифатли якунлаган деҳқоннинг уруғи бехато униб чиқиши тайин. Шунда ҳосил мўл, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Қуйи Чирчиқ туманидаги "ТСТ агро кластер" корхонаси томонидан 2020 йил учун 10 000 гектар ер майдонида чигит экиш режалаштирилган бўлиб, ҳозир бу ишлар якунига етай деб қолди. Ўтган вақт мобайнида бу

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ "ТСТ АГРО КЛАСТЕР" КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛ УЧУН 10 000 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИДА ЧИГИТ ЭКИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН БЎЛИБ, ҲОЗИР БУ ИШЛАР ЯКУНИГА ЕТАЙ ДЕБ ҚОЛДИ.



ерда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадида истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 2019 йилда 8 минг 450 гектар майдондан 30 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси олиниб, давлат шартномавий режаси 111 фоиз бажарилди.

— Туманимизда деҳқончилик илмини чуқур биладиган инсонлар жуда кўп, — дейди Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Зикрилло Набиев. — Уларнинг тажрибасини оммалаштириш, томорқани чин маънода ҳақиқий даромад манбаига айлантириш, бунинг учун интенсив технологияларни амалиётга кенг жорий этиш — давр талаби. Шундай экан, бу йўлда барчамиз тадбиркорлик билан иш юритишимиз олдимизда турган энг муҳим вазифа саналади. Чигит экиш ишларини эса 1 апрелгача тугатамиз.

Пискентлик деҳқонлар кўкламнинг илиқ кунларидан бошлаб, ернинг тобида етилганидан фойдаланиб, даладаги ишларни ҳамжиҳатликда олиб бормоқда. Айни вақтда 970 гектар майдонга чигит экиб бўлинди.

— Уруғни даладаги намлик ва ҳароратни ҳисобга олиб, пушта устига сифатли қадашга алоҳида эътибор беряпмиз, — дейди мазкур туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиги Бобур Эрматов. — Жорий йилда фермерларимиз томонидан жами 8100 гектар майдонда пахта етиштириш мўлжалланган. Ҳозирги кунда далани экин мавсумига тайёрлаш ва экиш ишлари учун 62 та сеялка, 42 та ҳайдов трактори ва ер текислаш механизми сафарбар этилган. Ҳудудда фаолият юритаётган 149 та фермер хўжалиги майдонларига бу йил "Султон", "Келажак" ва "Порлоқ-4" навлари экилмоқда. Ҳамма уйда қолиб, хавфсизлиги учун қайғурган бир вақтда далада меҳнат қилаётган деҳқонларимизнинг шашти сусайгани йўқ.

Пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида маромига етказиб бажариш, мавжуд ресурслар, минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда сувдан унумли фойдаланиш ҳар бир пахтакор фермернинг бурчидир.

Белгиланган жадвалга асосланган ҳолда вилоятнинг 9 та пахтачилик туманида 10 кунда чигит экиш тадбирларини якунлаш режалаштирилган. Мавжуд 4 та сектор раҳбари томонидан ҳар бир фермер хўжалиги бўйича кунлик ўрганилган ҳолатлар юзасидан, яъни экишнинг сифати, тўлиқ контур бўлиши, моддий ресурсларнинг етказиб берилиши бўйича алоҳида назорат тартиби ўрнатилиб, мониторинг қилиб борилмоқда.

Тил — миллий ғуруримиз

ТИЛ НОМУСИ

Шаҳноза СОАТОВА,
Адлия вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бир муддат аввал хизмат сафари билан Нидерландияда, аниқроғи, Гаага, Амстердам шаҳарларида бўлдик.
Нидерландлар, умуман, Европа халқларининг тил муҳофазаси учун қатъияти ва жонкуярлигидан ибрат олиш керак. Масалан, Гаагада мен инглиз тилида ёзилган бирор пешлавҳа ёки жой номини кўрмадим (Амстердамда бироз бор). Бўлмаса, қанча халқаро ташкилотлар бош қароргоҳлари ва элчихоналар жойлашган, турли давлатлар делегациялари қадами узилмайдиган шаҳар.



Инглиз тилини билмаган маҳаллий аҳолини учратмадим, инглизча гапирсангиз, ҳамма жавоб қайтаради. Лекин асосий мулоқот нидерланд, яъни голланд тилида. Бизга ҳамроҳлик қилган элчихона ходими айтганди: "Нидерландлар янаям тил борасида демократ. Бельгияликлар ёки французлар... Бай-бай-бай, инглиз тилини билади, аммо инглизча гапирсанг ҳам французча жавоб қайтариб тураверади. Айниқса, уларга ишинг тушиб борсанг. Кейин мен ёзма гаплаша қолайлик, деб электрон почтамни бераман. Улар электрон почтага ҳам французча ёзади, гугл-таржимондан ўгириб оламан. Келганимга 2 йил бўлди, аста-аста французчани ҳам ўрганяпман".

Европа халқлари бир иттифоқ таркибида, орасида чегараси йўқ, худди биз қўшни вилоятга боргандек бир-бирларининг мамлакатларига ўтиб-қайтиб юришади. Бундай шароитда кучли тиллар майдаларини еб юбормаётганининг, жадал иқтисодий, сиёсий интеграция манзарасида миллий хослик — ўзлик сақланиб қолаётганининг асосий сабаби нима? Миллатнинг характери!

Қаранг, ҳеч ким қонунлар чиқармаяпти, мажлислар ўтказмаяпти, назорат қилмаяпти, махсус органлар тузмаяпти, бюджет пулини сарфламаяпти. Шунчаки, она тилида гаплашяпти! Бизга шундай характер етишмаяпти. Буни раҳматли Маҳмуд Саъдий "тил номуси" деганди.

ОДАМ ЎЗ ОНА ТИЛИНИ ҚАНДАЙ УНУТАДИ ЁКИ ҚАНДАЙ САҚЛАБ ҚОЛАДИ?

1-ҳолат: Нидерландияда миллати қозоқ, ҳозир у ерда муқим яшайдиган бир инсон билан танишиб қолдим. Қозоқ тилидан ташқари инглиз, турк ва нидерланд тилларида эркин сўзлашади. Оилада набираларим ҳам қозоқча гаплашади, деди. Қозоғистоннинг қаеридан келгансиз, деган саволга аниқ жавоб бера олмади. Мен Қозоғистонда туғилмаганман, катта бобом бундан 130 йил аввал Қозоғистонни тарк этган, аввал Туркияга, кейин Европага келган, деди. Ўзининг қайси уруғданлигини ҳам айтди. Қаранг-да, бобоси қайси вилоятданлигини билмайди, аммо уруғи ва тилини билади, яъни ўзлигини ҳудуд билан эмас (маҳаллийчилик қилмай), тил ва уруғ билан бирликда идентификация қиляпти. Қолаверса, рус босқинигача бўлган муддатда, ҳали истило этилмаган онгини ва ўзлигини олиб чиқиб кетган инсон бу хотира ва анъаналарини генлари орқали авлодларига қолдирган ва авлодлар уни шараф билан сақлаб келмоқда.

2-ҳолат: Эссекс университети тадқиқотчиси, лингвист Моника Шмидт тилни йўқотиш муаммолари билан шуғулланади. У Германияни ўтган асрда тарк этган яҳудийларнинг немис тилини унутиш даражасини ўрганганда, қизиқ ҳолатга дуч келган.

Германияни фашизм давригача тарк этиб, АҚШ ва Британияда жойлашган яҳудийлар немис тилини унутмаган. Фашизм қатағонлари туфайли Германияни тарк этганлар эса немис тилини унутиб юборишган. Чунки улар учун немис тили ёмон хотиралар, қатағон, талон-тарож билан уйғун эди. Ушбу ҳолат инсоннинг тилга муносабати ўзини мансуб кўришни истаган (ёки истамаган) тарих, миллат ва мамлакатга муносабати билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

Ўзбек тилининг шунчаки адабий тил эмас, тафаккур тарзи ва мулоқот қуроли сифатида яшаб қолиши ва ривожланиши, табиийки, фуқароларнинг ўзлигига содиқлиги, юртига муҳаббати ва миллат сифатида ўзини борича қабул қила олиши, бу билан фахрланишига боғлиқ тушунчадир.

ҚАЙСИ ТИЛДА ЎЙЛАШИМИЗ — БИЗНИНГ ТАНЛОВИМИЗ!

Тунов куни "Муносабат" кўрсатувига борганимда, айримлар: "Нима учун бизда пешлавҳалар кўпи ўзбек тилида эмас? Қонун чиқариб, буни мажбурий қилиб қўйиш керак!" деган фикрларни айтди. Бу фикрларда жон бор, аммо 100 фоиз тўғри гап эмас.

Аввало, жон бор томонини айтсам. Бизнинг "Реклама тўғрисидаги" қонунимиз таҳрирталаб, яъни тил масаласида. Қонуннинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра, бошқа тилларда тарқатилади", дейилган. Мана шу "ёки" боғловчиси туфайли рекламани ўзбек тилида бериш мажбурийлиги йўқолади, яъни реклама берувчи истаган тилида уни тайёрлаши ва тарқатиши мумкин. Ҳозир ушбу моддани ва қонунчиликдаги шунга ўхшаш нормаларни тахрирлаш тўғрисида ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Эндиликда реклама матнларининг ўзбек тилида бўлиши мажбурий ва бошқа тилларга таржимаси ихтиёрий, деб белгиланиши мумкин.

Талабнинг нотўғри томонига келсак. Ташқи ёзувлар, пешлавҳалар — булар фақат ташқи реклама матнлари, дегани эмас. Улар орасида хусусий ташкилотлар номлари, бренд номлари ва ҳоказо тадбиркорларга оид номлар ҳам борки, уларни қонун билан мажбурлаб, фақат давлат тилида ном қўясан, дейиш ҳуқуққа мос келмайди. Масалан, тадбиркорни олайлик, у ўз қизининг исмига ширкатини "Виктория" деб номлагиси келса, номлайди. Унинг бу ҳуқуқини чеклаб бўлмайди. Бу тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув бўлиши мумкин. Демак, масала



ечимини фақат мажбурлаш ва ҳужжат қабул қилишда кўрмаслик керак. Болтиқбўйи, Кавказ ва Кавказорти мамлакатларида пешлавҳалар ва номлар фақат ўша мамлакат тилида ёзилади-ку, деган аргумент келтиришди. Аввало, "фақат" эмас, истисналар бор. Ҳамма гап меъёрда ва бизда бу меъёр тилимиз зарарига бузилгани рост. Лекин асосий жиҳати — ўша мамлакат аҳолисини ҳеч ким шу тилда номлайсан, деб мажбурламаган, бу уларнинг ОНГЛИ ТАНЛОВИ!

Нима учун тадбиркор ўзи асос солган брендга, масалан, "Бонито", "Фрателли саса" ёки "Нестуан" деб ном беряпти? Чунки у шундай номласам, менинг маҳсулотим чет элникидек туюлади ва харидоргир бўлади, деб ўйлайди. Харидор эса чиндан ҳам ажнабий номларга ўч, чет элники яхши, деб ўйлайди. Ваҳоланки, масалан, "Алвон", "Ҳамза" деган брендлар ҳам бозорга муваффақиятли кириб боряпти-ку.

Нейминг (номлаш) борасида тавсия ва тарғиботдан ортиқ қуролимиз йўқ. Биз бундан самарали фойдаланишимиз керак. Балки хусусий тадбиркорлар учун "номлар банки" тузиб берармиз (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида шундай лойиҳа устида иш олиб борилаётганидан хабарим бор). Маҳсулот сотиб олаётганда унинг миллий номланганидан қочмасмиз, аксинча, шунақасига интиламиз.

"Инсон қайси тилда ўйласа, шу миллатга мансубдир", деган экан машҳурлардан бири. Таниқли нотиқ Раҳимбой Жуманиёзов "Мен тилларда сўйлайман-у тилда ўйлайман", дейди. Яъни қанчалик кўп тил билмасин, инсон онгида бир тил устун туради, ўша тилда ўйлайди. Қайси тилда ўйлаб, қайси миллатга мансуб бўлишни унинг ўзи танлайди.

ХУЛОСА

Тилимиз олдида турган муаммолар фақат нейминг, пешлавҳа, ташқи рекламадангина иборат эмас. Асосий муаммолар чуқурроқда, албатта. Бу давлат ташкилотларида иш юритишдан тортиб, қонун лойиҳаларини давлат тилида тайёрлашгача, атамашуносликнинг ривожланмаганидан тортиб, давлат тилида сифатли контент камлигигача, ўзимиз ўзбекча ўйлаб туриб, фарзандларимизга дунёни бошқа тиллар орқали танитаётганимиздан тортиб, ўзбек тили таълимининг йиғилиб қолган муаммоларигача...

Хуллас, бу муаммоларни аниқлаш, тан олиш, тизимлаштириш ва аниқ режа асосида улар устида иш бошлаш вақти келди.

Фақат бир нарсани унутмаслик лозим — давлат тилига эътибор асло бошқа тилларни камситиш, бошқа тилли юртдошларимизнинг ўз она тилида мулоқот қилиш ҳуқуқига дахл қилиш дегани эмас. Мавзуни шу томон буриб, турли фитналар чиқишига йўл қўймайлик. Тил борасида эҳтиросларга берилмайлик. Ўзбек халқи бағрикенг, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз.

Ҳолат



Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Коронавирус пандемияси мамлакатимизда қайд этилган илк кунлардан касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишига қарши тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 15 мартидан бошлаб юртимизда барча оммавий тадбирлар, жумладан, театр, кино ва концерт томошалари вақтинча тўхтатилиб, номаълум муддатга қолдирилди.

"Вақтинча тўхтатилган оммавий тадбирлар рекламаси олиниши шарт!"

Аммо оммавий ахборот воситалари ва ташқи реклама конструкциялари орқали жорий йилнинг март-апрель ойларида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалда номаълум муддатга қолдирилган ёки намойиши бекор қилинган оммавий тадбирлар тўғрисидаги рекламаларни тарқатиш давом этаётгани фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

— "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига кўра, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юборилиши, шунингдек, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талаблар ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа меъёрларнинг бузилиши ҳисобига рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри реклама ҳисобланади ва у тақиқланади, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Шерзод Маҳамадалиев. — Шу боис, юқоридаги ҳолатларга чек қўйиш бўйича бир қатор ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан оммавий ахборот воситалари, реклама объектлари (конструкциялари) эгалари, реклама агентликлари, оммавий тадбирлар ташкилотчиларига яқин кунларда ўтказилиши тўхтатилган ва номаълум муддатга қолдирилган оммавий тадбирлар тўғрисидаги рекламаларни барча реклама воситаларидан олиб ташлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича топшириқ хатлари юборилди. Тез кунларда мазкур масаланинг амалий натижасига эришиш кўзда тутилган.

ЭНДИЛИКДА ҲАР КУНИ КЎЗИМИЗ ТУШАДИГАН РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН ТАХТАЛАРИНИНГ СИФАТСИЗЛИГИ, НОҚОНУНИЙ ЎРНАТИЛИШИ ЁКИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИГАН БОШҚА ҲОЛАТЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

ТАШҚИ РЕКЛАМАЛАР ЖОЙЛАШТИРИШ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ!

Бундан ташқари, мамлакатимизда сўнгги вақтларда ташқи рекламаларни жойлаштириш бўйича бир қатор талаблар белгиланиб, уларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори бу борада аниқ вазифаларни белгилаб берди. Эндиликда ҳар куни кўзимиз тушадиган реклама ва эълон тахталарининг сифатсизлиги, ноқонуний ўрнатилиши ёки талабга жавоб бермайдиган бошқа ҳолатларга йўл қўйилмайди. Хусусан, тегишли ташкилотларга ҳар бир туман (шаҳар) бўйича махсус ишчи гуруҳлар тузилиб, ташқи реклама объектлари(конструкциялари)нинг ушбу қарор талабларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилган.

— Айни пайтда деярли барча ҳудудларда махсус ишчи гуруҳлар ташқи реклама объектлари (конструкциялари) бўйича хатловни амалга оширмоқда, — деди Шерзод Маҳамадалиев. — Шу кунга қадар республика бўйича ўрнатилган жами 10 мингдан ортиқ ташқи реклама объекти (конструкцияси)дан 1820 тасининг қарор талабларига мослиги ўрганилди. Жорий йилнинг 20 март ҳолатига кўра, ишчи гуруҳ томонидан қарор талабларига мувофиқ бўлмаган 425 та ташқи реклама объекти (конструкцияси), жумладан, эгаси аниқланмаган 34 та, тегишли ҳужжати (паспорт, гувоҳнома, сертификат, рухсатномаси) мавжуд бўлмаган 305 та, эскирган, яроқсиз ҳолатга келиб қолган 9 та, автомобиль йўлларининг ажратувчи бўлагида, хусусан, йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, транспорт воситалари ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган, йўл сатҳидан баланд ёки ётиқ чизиқ билан белгиланган қисмида ҳамда тротуар ва пиёдалар йўлакларида, хавфсизлик оролчаларида ўрнатилган 197 та ташқи реклама конструкцияси аниқланди. Мазкур хатловлар жараёнида белгиланган талабларга тўғри келмайдиган, рухсатсиз ўрнатилган ташқи реклама объектларининг 69 таси махсус ишчи гуруҳ кўрсатмасига асосан, эгалари томонидан ихтиёрий равишда, ўз кучлари билан олиб ташланди (демонтаж қилинди), 109 та ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгаларига эса ўттиз календарь кун ичида демонтаж қилиш юзасидан тегишли огоҳлантириш хатлари тақдим этилди.

ВИЛОЯТЛАРДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг маълум қилишича, ҳозир нафақат пойтахтимиз, балки барча вилоятларда ташқи реклама объектлари (конструкциялари)ни хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Наманган шаҳри ҳудудида ўрнатилган 211 та худди шундай объектнинг 101 таси қарор талабларига мослиги қайд этилиб, талаб даражасида бўлмаган 21 тасининг эгаларига демонтаж қилиш юзасидан тегишли огоҳлантириш хатлари тақдим этилди. Иккита ҳолатда эса реклама конструкцияси олиб ташланди.

Бухоро вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ҳам махсус ишчи гуруҳ томонидан қатъий белгиланган тартибда хатлов олиб бориляпти. Биргина Бухоро шаҳрида бугунгача 200 дан ортиқ ташқи реклама объекти хатловдан ўтказилиб, улардан 27 таси йўл ўртасида бўлгани сабабли демонтаж қилинди. 51 та реклама объекти эса қарорга мослаштирилди, яъни уларнинг оралиқ масофаси, автомобиль йўлларига чиқиб қолганларининг жойлашиш ҳолати қарор талаблари асосида ўзгартирилди. Шунингдек, реклама тарқатиш фаолияти билан шуғулланувчи барча корхоналарга ўзларига тегишли реклама конструкцияларини юқоридаги қарор талабларига мослаштириш бўйича хатлар юборилди.

Айни кунларда республиканинг барча ҳудудларида ташқи реклама объектлари(конструкциялари)ни хатловдан ўтказиш ишлари давом этмоқда.

Алломанинг 30 га яқин асари бизгача тўла ҳолда етиб келган. Уларнинг аксарият қисми Миср, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Франция, Буюк Британия, Нидерландияда сақланмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 31 март, 48-сон

Буюк аждодларимиз

Улуғ фақиҳнинг ҳақиқатлари



Аллома меросида Қуръони карим тафсирига, шарҳига бағишланган асарлар бу соҳада кашфиёт, илмий янгилик сифатида эътироф этилади. Бунинг сабаби бор. Тафсир илми Мовароуннаҳр, Хуросонда VIII асрдан бошлаб ҳадис илми билан биргаликда пайдо бўлган. Тафсирлар дастлаб ҳадислар орасида ривоятлар шаклида юзага келган.

Камол МАТЁҚУБОВ

“Ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳарларида бўлиб ўтган илмий анжуманлардаги баҳс-мунозараларда бир инсон доимо етакчилик қиларди. У илмий қудрати, ҳаётий тажрибаси, ҳаққоний хулосалари, ақлий ривоятлари билан мусулмон оламида машҳур эрди. Бу инсон улуғ аллома, буюк имом, фозил шахс, етук муфассир, фақиҳ Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий ҳисобланарди”.
Ўрта аср алломалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар жамланган асарларнинг аксариятида юқоридаги иқтибос кўп учрайди. Хўш, X аср Шарқ илм-маърифатида юксак эъзозланган бу аллома ким бўлган? Унинг ҳаёти, тақдири қандай кечган? Ўзидан авлодларга қандай илмий мерос қолдирган?

Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ҳижрий 298, милодий 911 йилда Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида дунёга келади. Муаррих Абдулкарим Самъоний “Ал-ансоб” асарида: “Абу Лайснинг отаси Муҳаммад ибн Иброҳим ўз замонининг фақиҳ (ҳуқуқшунос) уламоларидан бўлган. У Зарафшон дарёси яқинидаги Фарсанин қишлоғида яшаган. Кейин ундан 3 фарсах узоқликдаги Туз қишлоғига кўчиб ўтган. Бу ерда унинг фарзанди аржуманди Абу Лайс Наср таваллуд топган. Тузий лақаби билан танилган. У фақиҳликда ниҳоятда етук бўлган. Баҳс-мунозараларда унга тенглаша оладиган аллома топилмаган”, деб маълумот беради. Манбаларда у дастлабки таълимни отасидан олгани, фиқҳ илмида етук даражага эришгани эътироф этилади. Абу Лайс Наср асарларида устозлари сифатида Абу Иброҳим Термизий, Абу Жаъфар Ҳиндувоний, Халил ибн Аҳмад Сижзий, Муҳаммад ибн Фазл Балхий каби алломалар номларини келтириб ўтади. Муҳаммад ибн Аҳмад. Абу Лайс эса куняси ҳисобланади. “Лайс” сўзи шер, арслон маъносини беради. Абу эса ота демак. Шу маънода бу куня унга илм-фандаги юксак хизматлари учун берилган бўлса, ажаб эмас. Самарқандий номи эса у туғилиб-ўсган жой маъносини англатган. Муаррихларга кўра, аллома Самарқанддаги мадрасалардан бирида мударрислик қилган. Ёзган асарлари мадрасаларда ўқитилган. Айрим манбаларда унинг Самарқандда шайхулислом даражасига етгани ва шу ном билан тилга олингани айтилади. Баъзи тарихчилар аллома Самарқанд қозикалони бўлган, деган фикрни ҳам келтирадилар. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, унинг номига зоҳид деган атама ҳам қўшиб айтилган. Одатда зоҳид деганда, мансаб, амалдан йироқ, ҳаётини илм-фанга, ибодатга бахш этган инсонлар тушунилган. Унинг зоҳидлиги бундай мансаб эгаси бўлмаганини кўрсатади. Абу Лайс Самарқандий кўплаб алломаларни тарбиялаб етиштирган устоз ҳисобланади. Унинг қўлида машҳур алломалар Луқмон ибн Ҳаким, Наим Хатиб Абу Малик, Муҳаммад ибн Абдураҳмон Зубайрий, Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Саҳл, Тоҳир ибн Наср Абу Абдуллоҳ Ҳаддодий каби ўз замонасининг машҳур алломалари таълим олганлар. Улуғ муфассирнинг авлодидан Абу Саид Балхий каби аллома етишиб чиққан. Абу Лайс Самарқандийнинг вафот этган йили ҳақида ҳам ҳар хил маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда 985, айримларида 999, бошқаларида эса 1003 йил санаси кўрсатилади. Аллома машҳур мутакаллим Абу Мансур Мотуридий билан бир даврда яшаган. Унга муносиб шогирд бўла олган. Шунинг учун унинг ҳам қабри Чокардиза қабристонида Абу Мансур Мотуридий қабри яқинида бўлган.

Тарихий манбаларда алломанинг илмий фаолияти сермаҳсул кечгани, унинг 40 дан ортиқ номда асарлар яратгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Тадқиқотчилар фикрича, бу асарларнинг 19 таси фиқҳ, яъни ислом қонунлари ва қонуншунослигига бағишланган. Булар орасида “Навозил”, “Хизонат ул-фиқҳ” (“Фиқҳ хазинаси”), “Фатволар”, “Уюн ул-масоил” (“Масалаларнинг сарчашмалари”), “Рисолат фил-ҳукм” асарлари алоҳида ажралиб туради. “Муқаддима фис-салот”, “Фазе ул-муаллимин”, “Китоб ун-наводир”, “Мабсут”, “Танбеҳ ул-ғофилийн”, “Бўстон ул-орифийн” каби 14 та асари эса дидактик, панд-насиҳат, имон-эътиқод, одоб-ахлоқ йўналишида яратилган. Иккита йирик асари Қуръони карим тафсири, шарҳи билан боғлиқ ҳолда ёзилган. Алломанинг “Умдат ул-ақоид”, “Усул уд-дин”, “Баёну ақидат ул-усул”, “Рисола фил-иймон” сингари асарларида ислом ақидалари, усуллари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, унинг фалсафа, тиб илми, диалектика ва бошқа соҳалар тадқиқ этилган асарлари ҳам мавжуд.

Алломанинг 30 га яқин асари бизгача тўла ҳолда етиб келган. Уларнинг аксарият қисми Миср, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Франция, Буюк Британия, Нидерландияда сақланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Абу Лайс Самарқандийнинг 5 та асари қўлёзмаси рўйхатга олинган. Бугунги кунда алломанинг “Бўстон ул-орифийн” ва “Танбеҳ ул-ғофилийн” асарлари нодир қўлёзмалар асосида араб тилидан ўзбек тилига ўгирилиб, нашр қилинган. Бошқа асарлари устида тадқиқотлар давом этмоқда.

Алломанинг фаолияти Марказий Осиёда илм-фан тараққий этган, диний илмларни тадқиқ этиш кучайган, илмий кашфиётлар, янгиликлар ҳаётга татбиқ қилинаётган, Шарқ Ренессанси юксала бошлаган даврда кечди. Шу билан бирга, IX аср ислом оламида Қуръони каримнинг асл мақсадини талқин қилишда йўлдан адашган фирқалар, диний гуруҳлар юзага келган, ислом ақидаларини шарҳлашда нотўғри қарашлар пайдо бўла бошлаган давр ҳам эди. Шунинг учун Абу Лайс Самарқандий илм-фан тадқиқига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир фанни ўз мақсади, моҳиятидан келиб чиққан ҳолда янгича асосларда, ўзи-дан олдинги салафларидан фарқли равишда тадқиқ қилди. У фиқҳ, тафсир, зуҳд, усул, фалсафа фанларида янги услублар, кашфиётлар яратди. Исломий илмларда асл мақсадни тўғри очиб берувчи йўл юзага келди. Бу эса илмда янгилик бўлиш билан бирга, исломда нотўғри қарашларга, чалкашликларга барҳам беришга хизмат қилди. Аллома ҳаётда ва илмда ўзи учун адолат ва ҳаққонийликни бош мезон қилиб олган. Бу хусусда асарларидан бирининг сўзбошисида: “Самарқандда 40 йил фатво бердим. Ушбу 40 йилда илгари ўтган алломаларнинг ҳаётда амалий ифодасини топган сўзларига амал қилдим. Менинг асарларимдан қиёмат кунигача ҳасад ҳамда ғийбатга оид бирор сўз ёки жумла чиқмайди. Ўнг қўлимни чап қўлимдан ажратганимдан буён ёлғон гапирмадим. Ҳеч кимга қушни сувга солиб кўтарганда унинг бошида қоладиган сув юқичалик ҳам ёмонлик истамадим”, деб ёзади. Бу мезон уни Шарқда ҳақиқатгўй аллома сифатида машҳур қилди.

Аллома меросида Қуръони карим тафсирига, шарҳига бағишланган асарлар бу соҳада кашфиёт, илмий янгилик сифатида эътироф этилади. Бунинг сабаби бор. Тафсир илми Мовароуннаҳр, Хуросонда VIII асрдан бошлаб ҳадис илми билан биргаликда пайдо бўлган. Тафсирлар дастлаб ҳадислар орасида ривоятлар шаклида юзага келган. Бундай тафсирларнинг яхши намуналари Имом ад-Доримий, Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий асарларида учрайди. Лекин X асрга келиб, тафсирларнинг ҳадислар таркибида нозил бўлиши талабларга жавоб бера олмай қолади. Натижада тафсир алоҳида илмга айланиб, бу соҳада янги асарлар яратила бошлади. Бундан кузатилган иккита мақсад бор эди. Биринчидан, Қуръони каримни шарҳлашда айрим муфассирлар хатоларга йўл қўя бошлаган, суралар, оятларнинг баъзиларини нотўғри тафсир этиш юзага келганди. Шу сабабли ўша даврда Қуръони каримни тўла тафсир этиш эҳтиёжи туғилди. Иккинчидан, тафсирга оид ҳадислар, ривоятлар, шарҳларни бир жойга тўплаш заруратга айланди. Ана шу иш улуғ алломалар Табарий, Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий асарларида ўз ифодасини топди. Бу борада Абу Лайс Самарқандийнинг “Баҳр ул-улум” — “Илмлар уммони” деб аталган тафсири Хуросон ва Мовароуннаҳрда шу йўлда яратилган илк асар, тафсир илмининг асоси сифатида баҳоланади. Алломанинг тафсири илмий жиҳатдан ниҳоятда мукаммал яратилган. Унга Қуръони карим асосида тартиб берилган, 114 сурани-нг ҳаммаси шарҳланган. Дастлаб суранинг қаерда нозил бўлгани зикр этилган. Уни машҳур муфассирлар қандай шарҳлагани, оятларнинг нозил бўлиш сабаблари кўрсатилган. Оятларни тафсир қилишда фиқҳий, ақидавий ҳукмлар келтирилган. Шу билан бирга, оятларни ўқишда қироатхонларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳам таҳлил қилинган. Тафсирдаги сўзлар хусусида луғат илми олимларининг фикрлари ҳам ўрин олган. Шарҳни мукаммаллаштириш мақсадида ҳадислардан, араб шоирларининг асарларидан иқтибослар берилган. Буларнинг ҳаммаси аллома тафсирини мусулмон оламида машҳур қилди. Уни тафсиршуносликнинг асосчиси, дея эътироф этдилар. Ундан кейин кўплаб муфассирлар Қуръони каримга шарҳлар битдилар. Улар учун Абу Лайс Самарқандийнинг тафсири асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шу сабабли замондошлари унга “Имом ул-ҳуда” — “Тўғри йўл имоми” деган юксак ном бердилар.

“Ҳодий Ҳасийрий” асарининг муаллифи аллома Абул Муҳаммад ибн Ануш Ҳасийрий Абу Лайс Самарқандий ҳақида: “У ҳаёти давомида ҳанафий мазҳабининг машҳур намояндаси, фақиҳ Муҳаммад Шайбонийнинг асарини мукаммал ўрганди. Унинг ютуқларини улуғлаб, фиқҳ соҳасида янгиликлар яратди. Даврининг ҳанафий мазҳабида улуғ фақиҳга айланди”, деб ёзади. Абу Лайс Самарқандий яшаган даврда мусулмон оламида ҳар бир мазҳаб бўйича қонунлар шаклланиб бўлган, уни ўзгартиришга зарурат йўқ, деб қараларди. Бу қонунлар Қуръони карим, ҳадислар, нақлий ривоятлар асосида яратиларди. Шунинг учун ҳеч ким ислом ҳуқуқи бўйича мустақил ижтиҳод қилиш ваколатига эга эмас, деган фикр шаклланган эди. Абу Лайс Самарқандий ана шу даврда фиқҳ асосини Қуръони карим, ҳадислар, нақлий ривоятлар билан бирга ҳаётий, ақлий манбалар, халқларнинг урф-одатларидан келиб чиқадиган қонунлар билан тўлдирди. Бу илмий ва амалий жиҳатдан фиқҳ илмида ниҳоятда катта янгилик эди. Яъни қонун асоси ҳаётий воқелик, ҳар бир халқнинг ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда яратила бошлади. Энг муҳими, фиқҳ илмида янгиликлар яратиш, унга ўзгартиришлар киритиш имкони туғилди. Кейинчалик Бурҳониддин Марғиноний, Убайдулла Дабусий каби алломаларнинг фиқҳ илмини янада мукаммал даражага етказишида Абу Лайс Самарқандий яратган илмий назария асос бўлиб хизмат қилди. Аллома эса ўз даврида “фақиҳ” деган шарафли унвон билан улуғланди.

Абу Лайс Самарқандий бутун ҳаётини илм-фанга бағишлади. Илмнинг инсоният ҳаёти ривожи, тараққиётидаги ўрнига юксак баҳо берди. Илм-фанни улуғлаб ўлмас асарлар яратди. Аллома ислом динининг асл моҳияти, мақсадини тушунтиришда, уни тадқиқ қилишда, йўл қўйилган хатолар, чалкашликлардан тозалашда, унинг инсоният такомилидаги ўрнини кўрсатиб беришда улуғ хизматлар қилди. Шу боис, яратган асарлари кўп асрлардан бери халқимизнинг маънавий мулки бўлиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин улуғ аждодларимиз, алломаларимиз номлари, мерослари қайта тикланди. Ана шулар орасида Абу Лайс Самарқандий ҳам бор. Аллома асарларидан бирида: “Ёзганларимни одамлар асрлар оша ўтиб ўқисалар, бу илм-фанга муҳаббатлари нишонаси бўлади”, деганди. Бугунги кунда унинг асарлари нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ҳам тадқиқ қилинмоқда. Бу улуғ аллома мероси билан биргаликда илм-фанга ҳам эҳтиром ифодасидир.



Абу Лайс Самарқандийнинг тафсири асосий манба бўлиб хизмат қилди. Шу сабабли замондошлари унга “Имом ул-ҳуда” — “Тўғри йўл имоми” деган юксак ном бердилар.

Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Абу Лайс Самарқандийнинг 5 та асари қўлёзмаси рўйхатга олинган. Бугунги кунда алломанинг “Бўстон ул-орифийн” ва “Танбеҳ ул-ғофилийн” асарлари нодир қўлёзмалар асосида араб тилидан ўзбек тилига ўгирилиб, нашр қилинган. Бошқа асарлари устида тадқиқотлар давом этмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1099.
43186 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 21:00 Топширилди — 23:15 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Хайриддин Мурод
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15